

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 15 май, № 93 (5767) Чоршанба


Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

*Якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор Мавлуда Сайфуллаева “Бухара Индия текстиль” қўшма корхонаси мижозлари қаторидан ўрин олди.*

### Қўшма корхона иш бошлади

Бухоро шаҳридаги мазкур корхона унга ўттиз миллион сўмлик тикувчилик маҳсулотларини сотиш учун берди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди “Бухара Индия текстиль” раҳбари Ширин Якубова. — Қўшма корхона 75 минг АҚШ долларилик сармоя эвазига ташкил этилди. Ҳиндистондан келтириб ўрнатилган тикув машиналари бир пайтнинг ўзида бир неча амалиётни бажаради. Масалан, либосларга тугмани шу машиналарнинг ўзи қадайди. Келгусида маҳсулотларимизни экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳарорат мўътадил сақланади

*Наманган шаҳрида кўп қаватли уйларни таъмирлашда замонавий қурилиш ашёси — пенопластдан фойдаланиш тажрибаси синовдан ўтказилди.*

Бинолар деворига махсус елим ёрдамида ёпиштириладиган енгил вазндаги бу сунъий қоплама ўзининг ўтказувчанликка қарши хусусияти билан тураржой хоналарида мўътадил ҳароратни сақлаш имконини беради.

Пенопласт қопламаларидан дастлаб вилоят марказининг Давлатобод даҳасидаги 32 хонадонли кўп қаватли тураржой биносида фойдаланилди. Уй эгалари ва мутахассисларнинг фикрига кўра, янгиликнинг қўлланилиши қишнинг аёзли кунларида хонадондаги иссиқликни 90 фоизгача сақлаб тура олади. Бу, ўз навбатида, уйни иситиш учун сарфланадиган энергия миқдорини 40 фоизгача камайтиради.

Уй-жой эгалари ва таъмирловчиларга маъқул тушган пенопласт плиталари Наманган шаҳридаги “Турбопласт плюс” қўшма корхонасида тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида кўпикланувчи полимерстирол хом ашёсидан фойдаланиб ишлаб чиқарилган 10 минг куб метрдан зиёд шу турдаги маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Арзон ва сифатли

*Ғузор туманида йилига 10 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга туширилди.*

Бу лойиҳани амалга ошириш учун “Вилкоопқуртаъминот” масъулияти чекланган жамиятининг 300 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 200 миллион сўмлик кредити йўналтирилди.

Айни чоғда ёқилғи сарфида тежамкор ҳамда иш самарадорлиги юқори бўлган янги технологик ускуналар ёрдамида кунига 40 минг донага яқин арзон ва сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Экологияга зарар етмайди

*Чирчиқ шаҳридаги “Максам-Чирчиқ” очиқ акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш тармоқларида фойдаланиладиган йиллик сув сарфини 5 миллион куб метр ҳажмгача тежаш имкони яратилди.*

Бунга корхонада олиб борилган кенг кўламли модернизациялаш жараёнлари доирасида оқова сувларни махсус фильтрлаш тизими янгилангани туфайли эришилди. Эндиликда саноатда фойдаланилган оқова сувлар махсус ҳовузларга йўналтирилиб, таркибидаги кимёвий моддалар бутунлай зарарсизлантирилмоқда. Санитария лабораториясида эса мутахассислар оқова сувлардан кунлик намуналар олиб, мунтазам таҳлил қилиб бормоқдалар.

Муҳими, бу билан ҳудудда экологик вазиятни янада яхшилашга эришилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САНОАТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

кеча Тошкентда иш бошлаган «Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2013» ўн еттинчи халқаро кўргазмасида ҳам ўз ифодасини топмоқда

*“Ўзэкспомарказ” мажмуасида бўлиб ўтаётган мазкур нуфузли иқтисодий форумда жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатидан нефть ва газ саноати етук мутахассислари, йирик ишлаб чиқариш субъектлари вакиллари иштирок этаяпти.*

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА





Ушбу тадбир “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “ITE Uzbekistan” компанияси томонидан “ITE Exhibitions & Conferences” (Буюк Британия), “ITE China” (Хитой), “GIMA” (Германия) хорижий компаниялари кўмагида ташкил этилди.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан нефть-газ саноатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли бу соҳа Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бирига айланди. Кейинги йилларда ихтисослаштирилган кўплаб замонавий мажмуалар ишга туширилди, табиий бойликларни чуқур қайта ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ёнилғи сифатини тубдан яхшилаш, муҳими, атмосферага зарар-газлар чиқарилишини кескин камайтиришга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСПАНИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Испаниянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Москвада) сифатида қайта тайинланган Хосе Игнасио Карбахаль Гарате Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Президентига йўлланган ишонч ёрлиқларини топширди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Испания муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг истиқболлари ҳамда айрим халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.*

*Хосе Игнасио Карбахаль Гарате “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари тўғрисидаги мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, қуйидаги фикрларни билдирди:*

— Аввало, шуни қайд этишни истардимки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Испания Қироли Хуан Карлос I ўртасида шаклланган дўстона муносабатлар туфайли икки томонлама алоқалар изчил ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Биз Тошкентда қатор муҳим учрашувлар ўтказдикки, уларда мамлакатларимизаро ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш, икки томонлама алоқаларни, биринчи галда, савдо-иқтисодий жабҳада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон бозорида Испаниянинг “Максам”, “Инитек” сингари компаниялари фаолият юритаётганини, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари орасида юқори тезликда ҳаракатланадиган “Тальго” электр поездлари қатнови йўлга қўйилганини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Бу йўналишдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик келажакда ҳам давом эттирилади, деган умиддаман.

Испания сўнгги 40 йил мобайнида ўзининг иқтисодий тараққиётида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Масалан, Европадаги энг яхши тезюрар поездлар тармоқларидан бири, Европанинг ўнта энг йирик қурилиш компанияларидан бештаси бизнинг мамлакатимизда фаолият кўрсатмоқда. Бу эса испаниялик ва ўзбекистонлик тадбиркорларнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун яхши салоҳият мавжудлигини англатади.

(Давоми 2-бетда).

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

нодавлат нотижорат ташкилотлари тимсолида намоён бўлмоқда

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ташкил топганининг 8 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.*

АНЖУМАН

Бугунги кунда мазкур Ассоциация нодавлат нотижорат ташкилотларига ахборот-ресурс марказлари орқали услубий маслаҳат ва ташкилий-ахборот ёрдамлари кўрсатиб келмоқда. Хусусан, фуқаролик жамияти институтларига турли тадбирларни ўтказиш, ахборотлар олиш ҳамда давлат ташкилотлари ва халқаро тузилмалар билан алоқалар ўрнатиш, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашаяпти. Натижада улар жойларда ҳудудий ижтимоий-иқтисодий дастурларни муҳокама қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини жамоатчилик назоратидан ўтказиш ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар ижросини таъминлаш борасида фаоллик кўрсатаётир.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

*Юртимизда ноёб бошқарув идораси бўлган маҳалланинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ошмоқда. Шунга мос равишда унинг вазифалари кўлами ҳам кенгайиб бораётир.*

# МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ УЧУН МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

Бу эса маҳалла институтини бугунги талаблар даражасида ривожлантириш, тизимда фаолият олиб бораётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг бошқарувчилик маҳоратини оширишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан фуқаролар йиғинларининг раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари учун барча туман (шаҳар)лар марказларида уч кунлик ўқув-семинарлари ўтказилаётир.

Ўқув машғулотларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Халқ таълими, Иқтисодиёт, Молия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Бош прокуратура, Давлат солиқ ва Дин ишлари бўйича қўмиталар, “Ўзархив” агентлиги, Маънавият тарғибот маркази, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий тузилмаларининг малакали ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда фонд республика бошқаруви масъуллари иштирок этишаяпти.

— Ўқувларни юқори савияда ташкил этиш мақсадида махсус дастур, ишчи гуруҳи тузилиб, туман ва шаҳарларга масъуллар бириктирилди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси К. Елмуратов. — Машғулотлар ўтказиладиган жойлар зарур техник воситалар билан тўлиқ таъминланди. Ўқувларга ҳудуддаги барча фуқаролар йиғинларининг ходимлари жалб этилган. Уларда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир” номли маърузасининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоялар ва устувор вазифаларни маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишни самарали ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

**Мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан**

**1,4** **марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

Зангламайдиган консол насослар, синтетик ип, ҳаво, мой ва ёқилғи фильтрлари, болалар ўйинчоқлари, аккумуляторли моноблоклар, ер усти транспорти учун хавфсиз ойналар каби қирқдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиши натижасида шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

# САНОАТИМИЗНИНГ ЮКСАК САЛОҲИЯТИ

## кеча Тошкентда иш бошлаган «Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2013» ўн еттинчи халқаро кўргазмасида ҳам ўз ифодасини топмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборлиси, бу каби саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Кўплаб йирик, истиқболли инвестициявий лойиҳалар жадаллик билан амалга оширилаётгани, хусусан, 2012 йилда Сурғил кони базасида қурилиши бошланган Устюрт газ-кимё комплекси бунга яққол мисол бўла олади. Қиймати 25 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этадиган мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилиши мўлжалланган бўлиб, бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Бошқача айтганда, у технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутади. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди. Шу боис ҳам дунёдаги йирик "Томсон Рейтер" бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур "Прожект файненс интернешнл" журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газ-кимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий имконияти юқори, нефть ва газ саноати салоҳияти юксаклигининг жаҳоний эътирофидир.

1997 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазма республикамиз нефть ва газ саноатидаги шу каби ютуқларнинг намойиш майдонига айланди. Бу эса унга бўлган қизиқишни ошириб, иштирокчилар сони кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Бу йилги форумда дунёнинг Австрия, Озарбайжон, Болгария, Буюк Британия, Вьетнам, Германия, Дания, Эрон, Италия, Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Норвегия, БАА, Польша, Руминия, Саудия Арабистони, АҚШ, Украина, Франция, ЖАР, Япония сингари ўнлаб давлатларидан 160 дан зиёд компаниялар қатнашаётгани бунинг тасдиғидир.

— Ушбу кўргазмада мунтазам иштирок этиб келаяпмиз, — дейди Жанубий Кореянинг "Kwangshin Machine Ind.Co.Ltd." компанияси муҳандиси Ким Чанг Хиён. — Бизнинг компаниямиз сиқилган газ компрессорлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Маҳсулотларимизни дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қиламиз. Кейинги йилларда, айниқса, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилмоқда. Бундан беш йил олдин Сирдарё вилоятида биринчи компрессорни ўрнатган бўлсак, бугунги кунга қадар республикангизнинг турли ҳудудларида 100 га яқин шундай қурилмалар ўрнатиб бердик. Ўйлайманки, кўргазма давомида яна кўплаб янги ҳамкорлар топиб, экологик тоза ёнилғи қуйиш шохобчаларини барпо этишга келишиб оламиз.

Мамлакатимиз юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган нефть-газ ва нефть-кимё саноатида кўп йиллик бой тажрибага эга. Ўтган давр мобайнида соҳада тўпланган тажрибадан оқилона фойдаланган ҳолда, хорижнинг замонавий технологик линиялари жалб этилиб, модернизациялаш тадбирлари изчил олиб борилаётгани саноатимиз ривожида янги саҳифалар очмоқда. Пировардида унинг инвестициявий жозибадорлиги ошиб, жалб қилинаётган сармоялар ҳажми тобора кўпайиб бораётир. 2012 йил якунларига кўра, соҳада ўзлаштирилган бевосита хорижий инвестицияларнинг қиёсий салмоғи республикага киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 59,2 фоизини ташкил қилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда соҳада хориж сармояси иштирокида ўнлаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаяпти.

Шу каби янгиликлар, уларнинг аҳамияти ва самаралари "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси экспозициясида ўз аксини топган.

— Юртингизга иқтисодий ҳамкор топиш мақсадида ташриф буюрдик, — дейди Хитойнинг "Wuxi Banner Vessel Co.,Ltd" компанияси бош директори Лиянг Зонг. — Бизнинг компаниямиз автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқаради. Бу борада етарли тажрибага эгамиз. Автомобилсозлик саноати тараққий этган Ўзбекистонда бундай маҳсулотларга талаб катталиги, энг асосийси, чет эллик ишбилармонларга берилаётган имтиёзлар мамлакатингизда ҳам шундай корхона ташкил этиш истагини туғдирди. Кўргазмада кўплаб ишбилармон ва тадбиркорлар билан танишдик. Келишувга эришсак, биргаликда янги корхонага асос соламиз.

Халқаро тадбир иштирокчиларини уч кун давомида мамлакатимизнинг нефть ва газ саноати ютуқлари билан кенгроқ таништириш мақсадида кўргазма доирасида долзарб мавзудаги анжуман, ранг-баранг тақдимотлар ташкил этилаётгани диққатга сазовордир.

"Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2013" ўн еттинчи халқаро кўргазмасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ. Ибрагимов сўзга чиқди.



**Саид РАҲМОНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## нодавлат нотижорат ташкилотлари тимсолида намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтларининг қонунчилик базаси ишлаб чиқилиб, такомиллаштириб борилмоқда. Ўтган даврда соҳага оид 200 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам шундан далолатдир. Айтиш керакки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

"Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим омил вазифасини бажармоқда. Эътиборлиси, бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар туфайли нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятда тутган ўрни ва таъсири тобора ошиб бормоқда. Бугун юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан аёллар ва ёшлар, экология, иқтисод, таълим, ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий йўналишларда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада янги даврни бошлаб берди. Зеро, ушбу ҳужжат вазифалари асосида ўз фаолиятини давом эттираётган ЎзННТМА "учинчи сектор" вакилларини ривожлантириш борасида муайян ютуқларни қўлга киритмоқда. Натижада фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла-тўкис ҳимоя қилмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда ва шунга мос равишда жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаяпти.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари кўплаб соҳаларни қамраб олмоқда. Кенг жамоатчилик орасида спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фахрийлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фан, таълим, маданиятни юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳунармандчилик ва миллий қадриятларни тиклаш, фуқаролар саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш шулар жумласидандир. Шунингдек, ЎзННТМА аъзолари ННТ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни муҳокама қилишда ҳам фаол иштирок этади. Хусусан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги ва Концепцияда қабул қилиниши кўзда тутилган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасида қатнашиб келаётир. Буларнинг барчаси ННТ салоҳиятининг юқори босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг кўп қиррали ва кенг кўламли фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан самарали қўллаб-қувватланаётгани диққатга сазовордир.

— Бугун таркибида 430 дан зиёд ННТни бирлаштирган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси "учинчи сектор"ни ривожлантиришда фаол қатнашмоқда, — дейди Миллий ассоциация директори Дилшодбек Отабоев. — Ассоциацияда ўз аъзоларини ташкилий-ҳуқуқий, молиявий ва моддий-техникавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими йўлга қўйилган бўлиб, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучларини бирлаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Давлат бошқаруви органлари ва бизнес тузилмалари билан ижтимоий шериклик алоқалари ҳам йўлга қўйилган. Бу Давлат дастурлари ижросини таъминлаш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда "учинчи сектор" салоҳиятини намоён этиш имкониятини яратмоқда. Бундай чора-тадбирлар туфайли юртимизда ННТ сифат ва миқдор кўрсаткичи йилдан-йилга ўсаётир.

Тадбир доирасида "Туркистон" саройида ЎзННТМА аъзоларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Ассоциацияни ташкил этиш, уни ривожлантириш ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш борасида фаоллик кўрсатган ходимларни тақдирлаш маросими кўргазмага уланиб кетди. Унда энг фаол ННТ ва оммавий ахборот воситалари вакилларига фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Андижон томонларда**

## Замонавий мажмуа

***2013-2014 йилларда Андижон вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналар қошида ипак қурти боқишга мўлжалланган 40 та мажмуа барпо этилиши кўзда тутилган.***

Шунингдек, улар таркибидан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам ўрин олади.

Олтинкўл туманидаги "Андижонпахта" корхонасида шундай мажмуалардан бири фаолият бошлади. Бу ерда ҳаммом, сартарошхона, тикувчилик, косибчилик, қассобхона, ошхона, новвойхона, минимаркет сингари қатор шохобчалар мавжуд. "Олтин кумуш толаси" масъулияти чекланган жамияти мақомини олган мазкур мажмуада айни пайтда 30 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан банд.

## Қишлоқ мулкдорининг ташаббуси

***Пухта ўйланган иқтисодий ислоҳотларнинг самараларини мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам яққол кўриш мумкин.***

Хусусан, жорий йилда биргина Олтинкўл туманида 244 та лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Уларнинг рўёби учун 24,3 миллиард сўмлик инвестиция киритиш кўзда тутилаяпти.

Шундай истиқболли лойиҳалардан бири Жалабек қишлоғида жойлашган "Фикентекс-Андижон" хорижий шўъба корхонасидир. Қишлоқ мулкдори Хушнудбек Умаров 80 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритиш ҳисобига пайпоқ ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бунинг учун Малайзиядан йилига 400 минг жуфт пайпоқ тўқиш имконини берувчи замонавий дастгоҳлар келтирилди. Ўнлаб ёшларни ўз бағрига олган мазкур корхонада йил охирига қадар табиий хом ашёдан 480 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилаяпти.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ УЧУН МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Йиғинимизда 9 мингга яқин киши истиқомат қилади, — дейди Кегейли туманидаги "Жузимбоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Қ. Пиримбетов. — Ҳудудни ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Жумладан, жорий йилнинг баҳорги экиш мавсумида қишлоқ йўллари ва кўчалар бўйларига 15 минг туп кўчатлар экдик. 1,2 километрлик йўлга эса асфальт қопламаси ётқизилди. Тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган 7 та ёш оилага тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишда ёрдамлашдик. Семинар хусусида тўхталсак, бу ерда фаолиятимиз самарадорлигини оширишда асқотадиган илғор тажрибалар ва назарий билимларни эгаллаяпмиз.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 550 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи изчил фаолият юритмоқда. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, оилаларнинг моддий фаровонлигини ошириш каби долзарб вазифаларни бажаришда бу тизимнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Табиийки, бу ҳар бир ходимдан чуқур билим ва юқори малакани талаб этади. Ўқув-семинарлари ана шу мақсадга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

— Ўқувларда турли ташкилотлардан таклиф этилган малакали мутахассислар бизга "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, уларни амалга ошириш юзасидан керакли тушунча ва тавсиялар бермоқда, — дейди Бухоро шаҳридаги Абдухолиқ Ғиждувоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Файзуллаева. — Машғулотларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимга эга бўлаяпмиз. Муҳими, бу ерда ўрганганларимиз фаолиятимизни янада кучайтиришда қўл келади.

Интерфаол усулда ўтказилаётган машғулотларда яқинда кучга кирган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳияти, уларни амалга ошириш механизмлари хусусида маълумотлар берилмоқда. Маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришнинг аҳамияти, йиғинлар ҳузуридаги асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, "Оталар университетлари" фаолиятини кучайтириш, жамоатчилик назорати самарали амалга ошириш, тўй ва бошқа маросимларни миллий удумларимизга мос, ихчам тарзда ўтказиш масалалари ҳам кенг муҳокама қилинаётир.

Наманган вилоятида ўтказилаётган ўқувларда эътироф этилганидек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асоси такомиллаштирилгани, унинг вазифалари кўлами тобора кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик муносабатларининг шаклланиб бораётгани маҳалла нуфузининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Амалий машғулотларда бой маълумотлар, тарқатма материаллар ва слайдлар воситасида ташкиллаштирилган ўқувларда соҳа янгиликлари хусусида батафсил маълумот берилмоқда. Бу маҳалланинг ушбу йўналишдаги фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилади.

— Ҳудудда истиқомат қилаётган 924 оиланинг тинч-тотув яшаши, фарзандларимиз камолотида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Наманган туманидаги "Тепа Қиёт" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Х. Қаюмова. — Малака ошириш чоғида ёш оилалар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида маҳаллаларнинг ролини юксалтириш борасидаги тажрибалар билан яқиндан танишаяпмиз.

Ўқув-семинарлар жойларда давом этмоқда.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСПАНИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш заруратига ҳам эътибор қаратишни истар эдим. Ўйлайманки, мазкур йўналишда ҳам биргаликда иш олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда испан тилини ўрганиш масаласи ҳам биз учун жуда муҳимдир. Ҳозир испан тили Ўзбекистоннинг тўртта олий ўқув юртида хорижий тил сифатида ўқитилмоқда ва айни пайтда уни бундан-да оммалаштириш учун зарур чора-тадбирларни кўраяпмиз.

Биз Ўзбекистонда ўтказиб келинаётган турли тадбирларда, жумладан, Самарқандда бўлиб ўтадиган машҳур "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа анжуманида Испания вакилларининг мунтазам иштирокини таъминлаш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги фаол маданий-гуманитар мулоқотни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда Самарқанд ва Кастилия-Леон ўлкаси ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. XV асрда Руи Гонсалес де Клавихо Кастилия қироллигининг буюк Амир Темур салтанатидаги элчиси сифатида тайинланган даврга бориб тақаладиган кўҳна тарихий алоқалар бу минтақаларни ўзаро боғлаб туради. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона дипломатия муносабатлари айнан ўша кезларда бошланган. Бундан ташқари, Бухоро ва Кордоба шаҳарлари ўртасида ҳам биродарлик алоқаларини йўлга қўйиш истагидамиз.

Мухтасар айтганда, бизнинг барча соҳалардаги икки томонлама муносабатларимизни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд.

**«Жаҳон» АА.**

*Иқтисодиёт тармоқлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Масалан, саноатда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотни ишлаб чиқариш учун замонавий, илғор технологияларга асосланган қувватлар зарур. Бундай корхоналарни барпо қилиш учун, албатта, хорижий ва маҳаллий инвестициялар талаб этилади. Улар, ўз навбатида, қулай инвестициявий муҳит яратилган, кенг имтиёз ва рағбатлар берилган жойга оқиб келади. Мана шу омилларнинг барчаси мужассам бўлган масканда эса эркин иқтисодий зонани ташкил этиш имконияти вужудга келади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси бунинг ёрқин тасдиғидир.*

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Халқ сўзи — Народное слово — ТАНЛОВИГА**

— Жаҳон иқтисодиёти амалиётида ана шундай ҳудудларни ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилади, — дейди Ўзбекистон Миллий университети профессори, иқтисод фанлари доктори Фармонқул Эгамбердиев. — Улар савдо-сотиқ йўналишига, экспорт-импорт, саноат ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилган, туризмни ривожлантиришга қаратилган кўринишларда бўлиши мумкин. Лекин барчасига хос бўлган умумий жиҳат расмий равишдаги маъмурий-ҳудудий бошқарув бўлиб, у ҳуқуқий жиҳатдан алоҳида мақомга, бир қатор молиявий афзалликлар, шу жумладан, солиқ ва бож тўловлари бўйича имтиёзларга эгадир.

Бу ҳудудларнинг амалий фаолияти инвестиция оқими бамисоли дарёнинг денгизга интилишига ўхшаш ҳолатни намоён этади. Мисол учун, ўтган асрнинг охирги беш йилидаги тадқиқотлар натижалари ЭИҲ йўлга қўйилган 102 давлатнинг бундай зоналарга эга бўлмаган 100 дан ортиқ мамлакатнинг экспорт даражасига нисбатан тўрт бараварга ўсганлигини, биринчи гуруҳдаги давлатларнинг экспорт қиймати иккинчидагиларига қараганда 400 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлганлигини кўрсатган. Экспертларнинг фикрича, бундай кескин тафовут шундан кейинги даврда ҳам ортганидан ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда бу борадаги ишларни олдиндан кўра билиб, 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган эди. 2008 йил 2 декабрда эса давлатимиз раҳбари "Навоий" вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди. Фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётган ушбу ҳудудда ўтган даврда 12 та янги корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йили уларда 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилга қадар умумий қиймати 270 миллион АҚШ долларилик 24 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Табиийки, маҳсулотларни экспорт қилиш, ички бозорга етказишу ишлаб чиқаришни янгилаш, инновацион технологияларни жорий этиш каби жараёнларда замонавий логистика хизматини йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис юртимизда бу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. "Навоий" халқаро интермодаль логистика маркази фаолияти бунга мисол бўла олади. Айни пайтга келиб, бу ерга ҳафтасига 30-40 та юк самолёти қўниб, яна учиб кетаяптики, уларнинг манзили турли қитъалардадир. Эътиборли жиҳати, ана шу юклар орасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги маҳсулотлар ҳам бор.

Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги Фармонига биноан, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Ушбу ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, уч йилдан етти йилгача бўлган муддатга кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди. Уларнинг инфратузилма объектлари, коммуникация тармоқларига кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда қиймати 180 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётир. Бунда зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, чарм буюмлар тайёрланадиган комплексни барпо этиш муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та лойиҳани рўёбга чиқариш ишлари кўриб чиқилаяпти.

Мазкур тажриба республикамизнинг бошқа минтақаларида ҳам худди шундай ҳудудларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир амалий исботидир. Ундан кўзда тутилган асосий мақсад қўшимча қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, ўзбек — хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Ана шу эзгу мақсадлар қандай йўсинда, қандай вазифа ва йўналишлар орқали рўёбга чиқарилади?

— Биринчи навбатда, юксак технологияли, инновацион ишлаб чиқаришларни барпо этиш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинади, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алишер Қодиров. — Минтақаларнинг минерал-хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш баробарида, корхоналар ўртасида мустаҳкам кооперацион алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Айни чоғда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ҳам диққат-эътиборда бўлади.

Жиззах минтақасининг бугунги салоҳияти хусусида гап борганда, энг аввало, минерал хом ашё ресурсларига бойлигини қайд этиш лозим. Эндиликда ташкил этиладиган корхоналарда уларни янада чуқур қайта ишлаш имконияти вужудга келади. Вилоят марказининг ўзида саноат ҳудудини яратиш учун 450 гектардан ортиқ майдонни ажратиш кўзда тутилаётгани шундан далолат беради.

— Фармонда "Жиззах" МИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил қилиши ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкинлиги алоҳида эътироф этилган, — дейди Жиззах вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Тоҳир Абдуназаров. — Ана шу муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади, яъни юридик шахслардан олинадиган фойда, уларнинг мол-мулкига солинадиган, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқларидан, кичик корхоналар учун ягона солиқ, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади. Яна шу нарса белгилаб қўйилганки, юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача муддатга, шу жумладан, эквиваленти: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил, 3 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил, 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади.

Фармонга кўра, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимлиги "Жиззах" махсус индустриал зонасининг Маъмурий кенгаши қарорлари бўйича белгиланган тартибда лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун, биринчи навбатда, собиқ саноат зоналарининг фойдаланилмаётган ҳудудларида корхоналар қуриш учун ер майдонларини ўз вақтида ажратишни, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланиш учун барча зарур рухсатномаларни "бир дарча" тамойили асосида беришни таъминлайдилар.

Шу ўринда савол туғилади: Навоийда эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилган эди. Ангрен, Жиззах ва Сирдарёда эса махсус индустриал зоналар барпо этилаяпти, уларнинг орасида қандай фарқ бор? Иқтисодчи олимларнинг фикрича, иккаласининг ҳуқуқий мақоми ва мақсади бир хил, фақат Навоийдаги масканда хорижий сармоядорлар фаолиятига алоҳида аҳамият қаратилаётган бўлса, кейингиларида шулар билан бир қаторда, ички инвестициялар жалб этиш учун ҳам кенг имконият ва шарт-шароитлар шакллантирилади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига, халқимиз турмуш фаровонлиги таъминланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

«Ўзбекистон минтақавий ННТлар ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури»нинг 2013 йилдаги 1-давраси доирасида

# ГРАНТ ОЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИ

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди —

## «ОБОД УЙИМ»

танловига лойиҳавий талабномаларни қабул қилиш бошланганлиги тўғрисида эълон қилади.

Лойиҳалар кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **қуйидаги йўналишлар бўйича** қабул қилинади:

— қишлоқ жойларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларини ҳал қилиш;

— ички йўлларни таъмирлаш, аҳоли яшаш жойларига туташ ҳудудларни санитария қоидаларига мувофиқ тозалаш ва кўкаламзорлаштириш, олис маҳаллалар ҳамда чегарадош ҳудудлар аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишини таъминлаш ва ҳ.к.;

— қишлоқ жойларидаги турмушнинг экологик шароитларини яхшилаш, кичик ижтимоий объектларни (мактаблар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва ш.ў.) муқобил энергия манбалари (қуёш батареялари, шамол генераторлари, биогаз қурилмалари ва ш.ў.) билан таъминлашга кўмаклашиш ва ҳ.к.;

— амалий ҳунармандчилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

— касб-ҳунар таълими сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларида яшовчи ёшлар ва аёлларнинг молия соҳасидаги саводхонлиги ҳамда бизнес кўникмаларини ошириш;

— қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил қилиш ҳамда бандлигини таъминлаш;

— муҳтож аҳоли қатламларига, шу жумладан, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, кам таъминланган оилалар учун ижтимоий хизматларни тақдим этиш, шунингдек, иш билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш;

— атрофдагиларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга ўз уйларида сифатли ижтимоий хизматларни тақдим этиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Танлов номи кўрсатилган ҳолда Жамоат фондига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

**2. www.fundngo.uz, www.sisf.uz** расмий сайтларида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш лойиҳаси.

3. Грант олиш учун лойиҳа электрон шаклини funduz@parliament.gov.uz; fundnno@parliament.gov.uz электрон манзилига юбориш.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ва Низомининг нусхаси охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан, ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда.

5. Ижтимоий ҳамкорлик қилувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг ёки ННТ ўз улуши 50 фоизгача (жой ижараси, моддий-техника воситалари ва бошқалар).

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 1 июнь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

*Маълумот учун тел: (8-371) 239-26-76, 239-26-64, 239-29-38.*

• **Реклама ва эълонлар** •

IPOTEKA BANK

# АТИБ «ИПОТЕКА-БАНК»

**юридик шахслар учун мўлжалланган қуйидаги янги, жозибадор депозит сертификатларини таклиф этади.**

**Депозит сертификатларнинг даромадлилик даражаси уларнинг муомалада бўлиш муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги шартларда чиқарилган:**

**Номинал қиймати — 50 000 000,00 (эллик миллион) сўм.**
**Умумий суммаси — 5 000 000 000,00 (беш миллиард) сўм.**
**Қимматли қоғозлар тури — эгасининг номи ёзилган.**

| Муомала муддати | Даромадлилик даражаси |
|---|---|
| 370 кун | йиллик 6% |
| 547 кун | йиллик 7% |
| 730 кун | йиллик 8% |
| 912 кун | йиллик 9% |
| 1095 кун | йиллик 10% |

**Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар чоракда тўланади.**

Депозит сертификатлар АТИБ «Ипотека-банк» Бош амалиёт бошқармаси орқали сотилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан озод этилиши кўзда тутилган.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин:**
**(8-371) 150-89-52. Факс: (8-371) 150-98-19.**

755А/238

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### *очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 18 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**I.** Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 18 июндаги 10-1210/12458-б-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 47-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3 308,0 кв.м. бўлган нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 549 439 000 сўм.***

**II.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2013 йил 19 февралдаги 1-99-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий ер майдони 283 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 76,15 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 70 160 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ (Ржевский) кўчаси, 3-уй, 19-хонадонда жойлашган, умумий майдони 84,34 кв.м., умумий яшаш майдони 38,57 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 161 435 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 24-уй, 39-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,79 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич нархи — 95 251 000 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

2013 йил 4 июнь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран қўйилмоқда:

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Мироншоҳ 7-берк кўчаси (собиқ Мичурин 4-берк кўчаси), 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 193 571 000 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 мавзеси, 23-«А» уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,22 кв.м. бўлган 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 40 115 000 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 77-уй, 47-хонадонда жойлашган, умумий майдони 60,87 кв.м., яшаш майдони 28,97 кв.м. бўлган 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 115 960 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtgroup.uz**

*Лицензия: № RR-0017.*

752R/105

## Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси

***ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларида фаолият юритаётган раҳбар ва мутахассис кадрлар бўйича маълумотлар базасини шакллантираётганини маълум қилади.***

Мазкур маълумотлар базасидан Қўмитанинг таркибий бўлинмаларига, шу билан бирга, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг махсус АКТ бўйича бўлинмаларига номзодларни танлашда фойдаланилади.

Ушбу базага қўшилиш истагида бўлганлар ўз объективка-маълумотномаларини ва фаолиятлари ҳақида қисқа маълумотномани Қўмита кадрлар бўлимига қуйидаги манзил бўйича юборишлари керак:

**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уй ёки электрон почта орқали: HR@ccitt.uz.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 238-41-16, 238-41-43, 238-43-12.**

650А/395

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

### *очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 31 май куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3577,98 кв.м. бўлган, 0001-0019-литерлардаги маъмурий бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 368 223 671 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 29 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги мулклар 2013 йил 31 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2013 йил 19 июнь куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 17 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 22-уй.**
**Тел.: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.**

***Лицензия: № RR-0017.***

754R/105

Моторные масла и антифризы

# «PRISTA»

Очевидное превосходство!

TEL: (+99871) 120-67-76
FAX: (+99871) 120-66-88
e-mail: info@prista-oil.uz
www.prista-oil.com




товар сертифицирован

715R/425

Tsh 64-20438253-01: 2011

ООО «TAYFUN PLASTIK»

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:*

# ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные



Ф/О — безналичный расчет

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

# КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах

для производства полипропиленовых мешков,

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

35R/161

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 13, 20, 27 июнь ва 4, 11 июль кунлари ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ танлов савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги банк улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%) | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «LINPLAST» МЧЖ | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Саноат ҳудуди | Жамият уставида қурилиш маҳсулотлари ва халқ истеъмол молларининг турлари бўйича ишлаб чиқариш белгиланган | 100% | 8 427 313 000,0 | 4 347 112,86 |

***Очиқ танлов шартлари***

Очиқ танлов ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очиқ танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шарти билан сотилади.

***Очиқ танлов савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдаган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдодан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Очиқ танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «LINPLAST» МЧЖ улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ танлов савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40,

**электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

***Гувоҳнома № 005357.***

756А/470

“Ўзпахтасаноат” уюшмаси жамоаси бўлим бошлиғи Неъматилло Мухторовга акаси **Омон МУХТОРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон Республикаси давлат экологик экспертизаси бош бошқармаси жамоаси Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизаси бошлиғининг ўринбосари Баҳром Соатмуродовга падари бузруквори **АЛЛАМУРОД отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси даволаш факультети акушерлик ва гинекология кафедраси доценти, меҳнат фахрийси **Холмурод МЕЛИҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

*Бухоро шаҳрида ўтказиладиган “Универсиада — 2013” спорт ўйинларининг ҳудудий саралаш босқичида муваффақиятли қатнашиб, финалга йўлланма олган Навоий вилояти ёшлари ҳам бўлғуси баҳсларга қизғин ҳозирлик кўришаяпти.*

# КИЧИК ОЛИМПИАДАГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли спорт мусобақалари ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, қатъият, мардлик ҳамда ғалабага бўлган интилиш фазилатларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада беллашувларида маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз кейинчалик халқаро майдонларда муносиб иштирок этишаяпти.

Навоийлик ёшлар ҳам бу ноёб тизимнинг ҳар бир босқичида бор истеъдодларини намойиш этишга интилишаётир. Хусусан, Бухорода бўладиган навбатдаги мусобақага тайёргарлик жараёни махсус режа асосида олиб борилаяпти.

— Яқинда Самарқандда жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудий саралаш босқичи ўтказилди, — дейди Навоий давлат педагогика институти қошидаги “Талаба” спорт уюшмаси раҳбари Ёқуб Мустафоев. — Унда Самарқанд, Навоий ҳамда Жиззах вилояти талаба-ёшлари футбол, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи бўйича ўзаро куч синашдилар. Якуний натижаларга кўра, навоийлик волейболчи қизлар жамоаси, баскетбол бўйича эса ўғил болалар ва қизлар жамоаси республика босқичига йўлланма олди. Умуман, “Универсиада — 2013” мусобақаларининг ҳал қилувчи баҳсларида вилоятимиздан 73 нафар талаба спортнинг 10 та тури бўйича иштирок этади. Бундан уч йил муқаддам Андижонда ўтказилган худди шундай спорт байрамида вилоятимиз терма жамоаси кучли учликдан жой олганди. Бу йил ҳам камида ана шу натижани такрорлаш ниятидамиз.

Мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш учун вилоятда спортчилар ва мураббийларга барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, “Кимёгарлар” спорт мажмуасида миллий кураш ва дзюдо, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли спорт саройида баскетбол, “Дельфин” сув спорти саройида сузиш, Навоий давлат педагогика институтида шахмат ҳамда волейбол, Ёшлар спорт мажмуасида енгил атлетика, Навоий шаҳар марказий теннис кортида теннис, вилоят марказидаги курашга ихтисослаштирилган махсус мактабда эса белбоғли кураш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

— Универсиаданинг бошланишини барчамиз сабрсизлик билан кутаяпмиз, — дейди Навоий давлат педагогика институти Жисмоний маданият факультети биринчи босқич талабаси Алишер Набиев. — Айниқса, мен учун ушбу мусобақаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки баскетбол баҳсларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиламан. Бунгача “Умид ниҳоллари” ва “Баркамол авлод” спорт ўйинларида қатнашиб, совриндор бўлганман. Аммо уч босқичли тизимнинг юқори бўғинида ғолиблик учун кураш анча муросасиз кечади. Шуни ҳис қилган ҳолда, мураббийларимизнинг ҳар бир кўрсатмасига қатъий амал қилиб, тайёргарлик жараёнига масъулият билан ёндашаяпмиз. Қисқаси, Бухородан медаль билан қайтиш орзусидамиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯНГИ АВЛОД — КАТТА САҲНАДА

*Эътибор ва рағбат истеъдодни тоблайди, унинг кенг қулоч ёйиб, парвоз қилишига қанот беради. Бугун юртимизнинг бошқа жойларида бўлганидек, Сурхондарё вилоятида ҳам иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Хусусан, Денов туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабида 153 нафар салоҳиятли ўғил-қиз санъат сирларини мукаммал ўрганаяпти.*

## САНЪАТ

Хабарингиз бор, юртимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали ўтказиб келинади. Мазкур фестивалнинг 2012 йилги республика босқичида Денов туманидаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Жумладан, унда мактаб қошидаги “Баёт” ашула ва рақс ансамбли рақс йўналишида ғолиб бўлди.

— Мамлакатимизда мазкур санъат анжуманининг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётганидан жуда мамнунмиз, — дейди “Баёт” ашула ва рақс ансамбли балетмейстери Абдухолиқ Тўраев. — Бу танлов ёш иқтидор эгаларининг халқаро тадбирларда иштирок этишларига ҳам кенг йўл очмоқда. Эътиборлиси, ўқувчиларимиз ҳар йили мазкур фестивалда муносиб қатнашиб келишади. Хусусан, 2011 йилда мактабимиздан ака-сингил Ҳумоюн ва Дилнур Абдураҳмонов дуэт-дутор йўналиши бўйича олий ўрин — Гран-прига сазовор бўлган эди. Бу йил ҳам жамоамиз фестивалга пухта тайёргарлик билан борганди, натижа чакки бўлмади.

Таъкидлаш керакки, мусиқа ва санъат даргоҳлари болаларнинг мактабдан ташқари ўқув муассасалари саналади. Ўқувчилар дарсдан кейин ўзлари танлаган санъат йўналишлари бўйича таҳсилни шу ерда давом эттиришади. Мусиқа ва санъатга бўлган истеъдодлари ушбу даргоҳда сайқалланади.

Бинобарин, буларнинг барчаси Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар самарасидир. Ушбу ҳужжатга асосан, воҳадаги кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари капитал реконструкция қилинди. Биз фаолияти ҳақида сўз юритаётган 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби эса замонавий мусиқа асбоблари билан таъминланди. Ёш санъат ихлосмандлари учун зарур ўқув қўлланмалари етказиб берилди.

2012 йилда Озарбайжон пойтахти Бокуда ёш ижрочилар ўртасида “Муғом” (Мақом) IV халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 37 давлатидан келган ёш ижрочилар қатнашди. Мазкур мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик синфи ўқувчиси Шаҳриёр Зиёдуллаев ушбу фестивалда “Мустаҳзод”, “Дугоҳ-4” каби халқ ашулаларини маромига етказиб ижро этди ҳамда ғолибликни қўлга киритди.

— Муваффақиятларимиз замирида, албатта, давлатимиз раҳбарининг санъатга, айниқса, мусиқа ва санъат мактабларига кўрсатаётган катта ғамхўрлиги ва эътибори ётибди, — дейди 14-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Туробжон Хидиров. — Ҳозир ўтказилаётган кўрик-танловлар ва фестивалларда ғолибларни аниқлаш ҳакамларга ҳам бирмунча қийин кечмоқда. Боиси, истиқлол ёшлари бири-биридан иқтидорли, истеъдодли. Буларни кўриб, ҳавас қиласиз, ҳайратингиз янада ошади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ўрнида •

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» ОАЖ

меҳнат жамоаси кон ва металлургия соҳасида меҳнат қилаётган барчани яқинлашиб келаётган касб байрами —

Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари куни

билан самимий қутлайди!

*Мамлакатимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши, юртимиздаги фаровонлик гарови бўлган саноатимиз ривожига кончи-металлурглар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётгани эътиборга лойиқ. Ана шундай масъулиятли вазифани бажаришда барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, меҳнатларида улкан зафарлар тилаймиз!*




# «Камалак жилоси»

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида “Камалак жилоси” деб номланган расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

## ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, “Sen Yolg`iz Emassan” республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ташкил этилган танловнинг ҳудудий босқичларида 1500 дан зиёд ёш авлод вакиллари қатнашди. Натижаларга кўра, тасвирий санъат бўйича Жиззах вилоятининг 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Достон Бердиев ва сирдарёлик Исроил Рамазоновнинг ижодий ишлари юқори баҳоланди. Амалий санъат йўналиши бўйича Меҳрангиз Қаландарова, Ихтиёр Комилжонов ҳамда Элдор Раҳмонқулов ғолибликни қўлга киритди.

**Мавлуда МИНГБОЕВА.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 4 МАЙДАН 10 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2013 йил 20 апрелдаги 01-сонли қарори.*

**2013 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-6 (2013 йил 16 майдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори в.б. нинг 2013 йил 15 апрелдаги 66-сонли буйруғи.*

**2013 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889-2 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

3. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори в.б.нинг 2013 йил 15 апрелдаги 68-сонли буйруғи.*

**2013 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1402-2 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

4. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқларининг операторлари ўртасида ўзаро тақдим этилган хизмат ва тармоқ захиралари учун ўзаро ҳисоб-китоб олиб боришнинг асосий қоидалари» Раҳбарий ҳужжатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги 21-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 863-1 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

5. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказилаётган товарларнинг намуналарини ва нусхаларини божхона органлари тизимида тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 апрелдаги 01-02/16-30-сонли қарори.*

**2013 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1269-1 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

6. «Лок-бўёқ материаллари билан ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 24 апрелдаги 23-Б-сонли буйруғи.*

**2013 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2455 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

7. «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари, синов (ўлчаш) лабораторияларини (марказларини), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органларини аккредитация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2013 йил 9 апрелдаги 132-сонли буйруғи.*

**2013 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1596-1 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

8. «Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги 01-02/12-2-сонли қарори.*

**2013 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1418-1 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

9. «Темир йўлларда почтани ташиш ва почта вагонларини эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 12 апрелдаги 37, 16/1-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1613-1 (2013 йил 13 майдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 1418, 2004 йил 14 октябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 10 майдаги 132-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


# Ҳурматли юртдошлар! Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЙРАМИ 23-24 май 2013 йил

2013 йилнинг 23-24 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида

**«Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор»**

шиори остида Республика «Китоб байрами» ўтказилади.

Тадбирда адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, санъат усталари ва ёш ижодкорларнинг концерти ташкил этилади.

Республика «Китоб байрами»га марҳамат қилинг!

Байрам тадбирларига кириш эркин!

**Маълумот учун телефон: (8-371) 244-12-61**






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5